баланд кўтарилиши, ҳилпираши учун футболчиларимиз икки ҳафта давомида кураш олиб боришганди. Байроқ билан бирга биз ҳам юқори кўтарилгандек. Ундай бахтли онларни ҳеч бир бошқа байроқ билан алмаштириб бўлмади. Байрогимизнинг юқори кўтарилиши ҳалқимизнинг, Ватанимизнинг юқори кўтарилиши эди.

Байроқ билан боғлиқ бундай туйғуларни сўз билан ифодалаш қийин. Байроқ нима ўзи, деган саволга ҳам ҳар хил жавоб бериш мумкин, аммо тугал жавоб бериш қийин. Одатда байроқ мустақиллигимиз рамзи, бизнинг миллат сифатида борлиғимиз тасдиғи, байроқ гуруримиз ҳисобланади, деймиз. Бу сўзлар тўғри, аммо байроғимиз кадри, аҳамиятини тўла аниқлаш олмайдди. Ватан байроғи бу — Ватанимиз сиймоси, шони, шавкати, қудрати, ор номуси... Бу сўзлар ҳам байроғимиз таърифини тўла келтира олмайдди.

Кечаги байрам куни мамлакатимизнинг барча жойларида байроғимизга кўрсатилган ҳурмат, эътибор, эътиқод, эъзоз, эҳтиромни кўриб, Ватан байроғи нақадар азиз ва муқаддаслигини янада чуқурроқ ҳис этдик. Айниқса, жажжи кўнларида Ватанимиз байроқчаларини маҳкам ушлаб, ҳилпиратиб турган бо-

лажонларни кўриб, антикиб кетдик, кўн-гилга кўп орзу умидлар нурдай куюлди. Вақти келади, болажонларнинг байроқ тутган кўллари кучга тўлади, байроқ билан боғлиқ туйғулари мустаҳкамланади, онги шуурига, қонига синиб, юрагига етиб боради, қонига билан боғланади. Бу туйғу бир умр унга миллий гурур, куч-қувват бағишлаб туради.

Тадбир тантаналарида байроқ ҳақида фикр билдирганлардан бири педагогика фанлари доктори Мухаммаджон Қуронов «Ҳар бир хонадонда Ватанимиз байроғи бўлиши керак», деган таклифни билдирди. Бу таклифнинг аҳамияти нимада?

Авалло, байроққа ҳар куни кўзингиз тушишининг ўзи кишига фахр-ифтихор, гурур бағишлайди, сен мустақил Ўзбекистон фарзанди эканингни ёдга солиди, масъулият ҳам юклайди. Энг муҳими, фарзандларда байроққа — Ватанга меҳр-муҳаббат туйғулари шаклланади. Дунёга келган бола кўзини очиб, илк бор ота-онаси қаторида Ватан байроғини кўради. Фарзанд ота-она билан байроққа бирдек меҳр қўйиб воёла ётади, ота-онаси қандай садоқатли бўлса, байроққа, Ватанга ҳам шундай садоқатли бўлади. Байроғимизни худди ўз ота-онасини ҳимоя қилгандек ҳимоя қилади.



Шунинг учун ҳам ҳар бир оилада Ватан байроғи бўлиши катта маъномазмунга эга. Энди бир-биримиздан «Уйингизда Ватан байроғи борми?», деб сўрайдиган пайт келди чоғи. Уйимизда Ватанимиз байроғи бўлса, демак, уйимизда қуёш бор, нур бор, ёруғлик бор, миллий гурур, Ватанга муҳаббат бор. Бу фазилат — анъана фарзандларингизга ҳам ўтади, авлоддан авлодга ўтади. Эрта бир кун болангиз қўлидан кимдир ниманидир юлиб олиши мумкин. Аммо, ҳеч ким унинг қўлидан Ватан байроғини тортиб ололмайди, Ватан байроғига ҳужум қилолмайди.

Ватан байроғи!.. Чўқур ўйласанг, диққат билан қарасанг, унга осонликча етиб келмаганимизни аниқлайсан. Байроқ рангларида минг бир ҳикмат, минг бир

маънони ўқийсан. Аждодларимизнинг юрт ҳимояси йўлида тўққан қонларини кўрасан, қарамликка тушиб қолган халқни озодликка олиб чиқиш учун жонларини фидо қилган аждодлар сиймосини кўрасан, армонларини, азобларини ҳис этасан... Кейин эса асрий орзу-армонлар ушалганини, дили пок, нияти оқ халқимиз ҳурриятга эришгани, ўз ҳаётини ўзи мустақил қураётгани, ҳеч кимдан кам эмаслигини ўйлайсан.

Кўн-гилга яна турли фикрлар келади: Байроқни кўрганда кўз ёнмаса, юрак титрамаса, ким деган одам бўламиз. Мажланиб, ҳилпиратган байроғимизга тикилиб, гурурланмаган, ундан куч олмаган, қудрат сезмаган одам кўн-гилга одам, ожиз одам...

Ўйлаб-ўйлаб кўрсак, ҳаёлга янги са-

воллар келади: Миллатнинг байроғи асли миллат юрагининг рамзи эмасмикин?.. Кўксимизда уриб турган юрагимиз — шу байроқ эмасмикин? Йўқ, юракни байроққа алмаштириш мумкин, лекин байроқни юракка алмаштириб бўлмайди. Ватан байроғи юрагимиздан ҳам қимматли, қадридир...

Бу йил байроғимиз қабул қилинган кун ҳар доимгидан бошқача, янгича, катта ҳурмат, эҳтиром билан ўтказилганини кўриб, кўн-гилдан ана шундай фикр-мулоҳазалар ўтди.

Сафар ОСТОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Муносабат

Шараф ва масъулият

Мамлакатимиз Президентининг 2019 йил 10 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонида Самарқанд давлат университети зиммасига катта вазифа юклатилди

Фармонда университетимизга юксак ишонч билдирилиб, мамлакатимиз олий таълим муассасалари байроқдори бўлиш ва халқаро ташкилотлар рейтингда жаҳон олий таълим муассасалари орасида биринчи 500 таликдан жой олиш вазифаси белгилаб қўйилди.

Илмий-техника инқилоби жараёни шу даражада шиддат билан ривож олмоқдаки, унинг ютуқларидан самарали фойдаланиш катта билим ва куч талаб қилади.

Албатта, кейинги йилларда таълим ислохотлари йўлида кўп хайрли ишлар амалга оширилди. Соҳага оид баҳс-мунозараларда халқимиз вакиллари ва таълим-тарбия мутасаддилари томонидан бир қатор фойдали тақлиф-мулоҳазалар айтилди ва бу жараён давом этмоқда. Аммо бу ҳали таълим тизимидagi барча муаммоларнинг ечими тоилди, дегани эмас.

Таълим соҳаси ҳуқуқий, илмий-методик ва моддий-техник таъминоти борасида кейинги уч йилда мисли қўрилмаган даражада қайта қурилди, тегишли ҳужжатлар қабул қилинди. Уларнинг ихросини таъминлаш эса кўпчиликлари, соҳа вакилларининг ҳаммаси аравани баравар тортишига боғлиқ. Ваҳоланки, муҳтарам Президентимиз «Бугун таълим-тарбия соҳасида, ҳурматли ўқитувчи ва мураббийларимиз, фарзандларимиз ҳаётида янги давр бошланмоқда. Бу даврни янада чуқур маъно-мазмун билан тўлдириб, миллий юксалишга эришиш фақат ва фақат ўзимизга, шу йўлда ҳамжиҳатлик билан қаттиқ меҳнат қилишимизга боғлиқ»лигини айтиб турибди.

Маълумки, Концепцияда олий таълим тизими, шунингдек, Самарқанд давлат университети профессор-ўқитувчилари олдида ўта жиддий вазифалар қўйилган. Ўқув жараёнини кредит-модуль тизимига ўтказиш, назарий билим олишга йўналирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналирилган таълим тизимига ўтиш ва охир-оқибатда, олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариб, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш. Бу айтишга осон, бажарилиши қийин вазифа. Аммо бажарилиши шарт бўлган вазифа.

Бизнинг ривожланиш тамойилларимизга кўра, давлат бош ислохотчи, албатта, Аммо давлат ва жамиятнинг ажралмас бир бўлаги сифатида соҳа мутасаддилари — биз, ўзимиз бир

четда томошабин бўлиб турсак, қандай бўлади? Ахир, қарс икки қўлдан чиқмайдими?

Кўп йиллик кузатувларимдан келиб чиқиб айтаман: олий таълим тизимида ислохотларни жадал амалга оширишга тўсиқлик қилаётган омиллардан бири айрим профессор-ўқитувчиларимиздаги лоқайдлик, ташаббуссизлик, кузатувчилик йўлини тутаеттандир.

Шу пайтга қадар ишлаш шароитимиз яхши эмас, ойлигимиз кам деган, баҳоналарни эшитар эдик. Энди нима ни вақт қилиб кўрсатамиз, билмадим. Кейинги уч йилда ойлиқларимиз бир неча бараварга ошди. Чўнтагимиз пул кўрди, тирикчилигимиз яхшиланди. Лекин негадир айримларда бунинг шукронаси сезилмапти. Ахир, фаоллашимиз ҳам шунга яраша бўлиши керак эмасми?

Бунинг устига, такрор-такрор айтилаётган, қатор танқидий мақола-лар ёзилаётган бўлишига қарамадан, талабаларга баҳо қўйишда ноҳилислик ҳамон барҳам топган эмас. Буни ота-оналар ҳам, илтимоочилар ҳам тушуниб етишлари керак. Кимнингдир ёрдамидан, қўллаб-қувватлашдан умидвор бўлган талаба ёлчитиб ўқимайди.

Мана энди бир нарсга яхши бўлди. Фармонда олий таълим муассасаларининг академик мустақиллигини таъминлаш кўзда тутилган. Ушбу ҳужжат доирасида алоҳида Низом ишлаб чиқиш мумкин бўлар. Низом талабаларига мувофиқ, бошқача айтганда, меҳнатига қараб ҳақ ола бошлагандан кейин ишга бўлган муносабати ўзгарар. Амалдаги қонунлар доирасида моддий ва маънавий рағбатлантиришининг табақалашган тизими ишлаб чиқилар. Ҳарқалай, буни яқин келажақ кўрсатади. Аммо бир нарса — олий ўқув юрталари



бериладиган бу имтиёз муассаса раҳбарининг ваколати ва жавобгарлигини ошириши аниқ.

Шу каби мустақиллик таълим муассасаси ичиди, сўрови ҳам шунга яраша бўлса, масалан, жамоат салмоғи сезилмапти. Касаба уюшмаси, Ёшлар иттифоқи, Оқсоқоллар кенгаши, Хотин-қизлар кўмитаси, Жамоатчилик кенгаши ва ҳоказо. Университет раҳбарияти ҳаммиса кадрлар танлашда қийналади. Шу масалада Касаба уюшмаси ёки Оқсоқоллар кенгаши ёрдам берса, ҳар бир факультет, кафедра кесимида кадрлар лаёқатини ўрганиб чиқиб, тавсиялар киритса қандай бўлар экан? Ахир, асосий иш қуйи яея-каларда амалга оширилади-ку! Ёшлар иттифоқи Президентимизнинг беш ташаббуси ихросини ёки бўлмаса, баҳолаш тизими назоратини

ўз қўлларига олишса, бу борада тушадиган ариза-шиқоятларни ўзлари ҳал қилишса, нур устига аъло нур бўларди!

Профессор-ўқитувчилар орасида хотин-қизлар ҳам салмоқли ўринга эга. Хотин-қизлар кўмитаси уларнинг фаоллигини ошириш устида бош қотирса маъқул эмасми? Таъбирингиз жоиз бўлса, биз тадбирбозлик билан кўп шугулланаёلمиз ва буни асосий ишимиз, деб билаялмиз. Аслида барча жамоат ташкилотлари ўз ваколати доирасида фаолиятини жонлантириб, университет раҳбариятига яқиндан қўмақлашиши лозим эмасми?

Айрим профессор-ўқитувчиларнинг тамағирлигидан ҳам қўтилиб бўлмаяпти. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидай, йиллар давомида шаклланган бу иллатлардан бирданига халос бўлиш қийин кечаяпти. Аммо талабалар, ота-оналар уларнинг орқасидан нималар дейишни бир кўз олдиларига келтиришса, ёмон бўлмасди.

Фармонда муассаса раҳбарларига берилган мустақиллик бу борада ҳам кескин чоралар кўришга имкон беради, деб умид қиламиз.

Муҳтарам Президентимиз Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табриғида «бугунги кун ўқитувчиси универсал мутахассис, ҳам ўргатувчи, ҳам ўрганувчи бўлиши, яъни ўз устида тинимсиз ишлаши, доимо изланиб яшаши керак», деган гапни айтдилар ҳақ гап. Назаримда, айнан мана шу жойда ҳам биз оқсаялмиз. Университет таълими хусусиятларидан келиб чиқиб, тала-

баларга ҳар бир фан йўналишида фундаментал билим беришга ҳаркат қилишимиз керак. Бу эса, биздан нафақат муайян фаннинг назарий асосларини пухта билиш, айни пайтда, шу соҳадаги янгиликлардан ҳам муттасил хабардор бўлиб боришни тақозо этади. Замон ёшлари кимнинг орқасидан эргашшини яхши билишда, деб ўйлайман.

Фармонда, юқорида тилга олингандек, кредит-модуль тизимига ўтиш вазифаси юклатилапти. Ҳали кўпчилигимиз бу ҳақда тушунчага эга эмасми. Олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий-тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштиришни назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини жорий этиш мўлжалланган.

Табийки, мазкур фармон ихроси юзасидан қиладиган ишларимиз ниҳоятда кўп. Унинг машаққатига бардош бера оладиганларгина тизимда ишлаш олади. Бунинг акси бўлмаси? Албатта, ундайлар ўз ўрнини бошқаларга бўшапти беришга мажбур бўлади. Ҳарқалай, замон бир амаллаб кун кечирадиганларнинг, бугун ўтса бўлди, эртага бир гап бўлар, деганларнинг замони бўлмай қолди. Буни чуқур англаб етган ҳолда, таълим соҳасида фаолият олиб бораётган ҳар бир зиёли руҳий покланиш ва фаоллашиш йўлини туттиши керак. Таълим тизимида ишлаш, устоз ва мураббий деган юксак номга сазовор бўлишнинг бошқа йўли йўқ.

Суюн КАРИМОВ,
Самарқанд Давлат
университети профессори.

Хавфсизлик, холислик, халқчиллик, адолат медиа оламининг асосидир

Жамиятда конструктив мулоқотни ўрнатишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир Олий Мажлис ҳузуридаги Ахборот ва оммавий алоқаларни ривожлантириш бўйича жамоат кенгаши ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда ташкилотчилар, халқаро экспертлар, медиа олами маслаҳатчилари, Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси аъзолари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирни ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори элчи Джон Мак Грегор очаркан, Ўзбекистондаги демократик ислохотлар, парламент фаолиятига оид фикрларини билдирди. Сўз эркинлиги, Европада, минтақада, умуман, дунёда тинчлики, барқарорлигини таъминлаш масаласида сўз юритди.

Давра суҳбати иккита сессияда давом этди. Биринчи сессия оммавий коммуникациялар соҳасида ўзини ўзи бошқаришда миллий ва хорижий тажрибалардан фойдаланишнинг самарали механизмларини ўрнатиш масалаларига бағишланди.

— Менинг бутун ҳаётим ва фаолиятим ОАВ билан ҳамбарчас боғлиқ ўтди, — деди ЕХҲТ эксперти, халқаро медиа маслаҳатчиси Андрей Краевский. — Медиа эркинлик бу тараққиёт, юксалиш, аҳолининг маданиятини ошириш маъноларига эга, менинг назаримда. Шунинг учун ҳам халқаро экспертлар ОАВсиз давлат, ҳукумат бўлиши мумкин эмас, деб баҳолашади. Чунки медиа оламининг вазифаси аҳоли манфаатларидан келиб чиқиб, назорат, мониторинг олиб боради. Зеро, одамлар сайловларда овоз беради, ишонч билдиради. Цензурага йўл қўйиб бўлмайди. Цензура таназзулга олиб келиши ҳам мумкин. Жамиятдаги камчиликларни яшариш эмас, жамоатчиликнинг фикрини шакллантириш орқали уларга ечим топиш керак. Ҳозирги вақтда журналист уйдан чиқмасдан, ноҳада ўтириб ишлаши мумкин, деган қарашлар бор. Мен бунга қаршман. Чунки журналист воқелигини ўз қўзи билан кўрмай, ҳақиқий вазиятни ўрганмасдан туриб ҳолис фикр юрита олмайди.

Шу билан бирга, журналист этика, одоб-ахлоқ меъёрларига амал қилиши лозим. Лекин журналист бирор жойда муайян ишлаши, маош олиши шарт, деган фикрга ҳам қўйишга олмайдим. Мисол учун, Польшада фуқаролик журналистисига деган тушунча бор. Улар алоҳида бир ОАВда фаолият юритмайдилар. Бироқ жамоатчилик фикрини шакллантиришда, аҳолига ахборот етказишда барча журналистлар каби қонунда белгиланган тартиб-таомилларга тўла амал қиладилар.

Яна бир муҳим жиҳат ахборот олиш эркинлиги билан боғлиқдир. Давлат сирини, бирор-бир шахснинг хавфсизлигига таҳдид солувчи ахборотлардан ташқари барчаси ҳақида маълумот олиш ҳуқуқи эркин бўлиши зарур. Агар бериладиган маълумот давлат ёки шахс ҳақсизлигига хавф солса, бунга аниқ қўрсатиб бериш, исботлаш ҳам муҳимдир. Мана шу масалалар ечимини топган жамиятда медиа эркинлиги таъминланади. Одамларда шов-шувлар, ҳар қандай ноҳилис ахборотларга эҳтиёж бўлмайди.

Давра суҳбатиди, шунингдек, ОАВларда адолат кўзгатувчи ахборотни тарқатишга қарши механизмлар, хорижий давлатлар тажрибаси, электрон тарқатиш жараёнларида идентификация қиладиган ахборотни йиғиш тартиби ва махфий тарзда саклаш тажрибаси ҳамда бошқа долзарб мавзуларда ҳам маърузалар бўлди. Ҳар масала юзасидан музокара-лар ўтказилди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ахборот хизмати томонидан «Жамият» газетаси мухбири Давлатназар Рўзметовни йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида вафот этгани юзасидан ижтимоий тармоқларда тарқатилган ҳар хил мазмундаги хабарларга ойдинлик киритиш ҳамда асл ҳолатни кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида матбуот анжумани ташкил этилди.

Тадбирда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори Комил Алламжонов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) Улугбек Мухаммадиев, Хоразм вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, Тергов бошқармаси бошлиғи Ахмадхон Пўлатов, ИИБ Ахборот хизмати бошлиғи Шоҳрух Ғиёсовлар иштирок этди.

Ахмадхон Пўлатовнинг ҳолат юзасидан баёнот беришча, жорий йилининг 6 ноябрь кунин Урганч шаҳрида яшовчи 1979 йилда туғилган У.Сафаров соат тақминдан 23:30да ўзининг бошқарувида бўлган «ГАЗ 330200» русумли автомашинида Урганч тумани Қоромон қишлоғи ҳудудидан ўтган «Урганч-Хива» автомобиль йўлининг 5 километрида эҳтиётсизлик натижасида, йўлнинг ўнг томонидан чап томонига кесиб ўтмоқчи бўлган пайвда, 1971 йилда туғилган Рўзметов Давлатназарнинг автомашинанинг олд чап томони билан уриб юбориб, йўл транспорт ҳодисасини содир қилган. Натижада пайвда Д.Рўзметов ИТД натижасида олган тан жароҳати тўғрисида ҳодиса содир бўлган жойда вафот этган.

Матбуот анжуманида Хоразм вилояти ИИБ вакиллари томонидан тайёрланган тақдид намойиш этилди ва унда марҳумнинг ИТДдан аввалги ҳаракатлари, кафе, меҳмонхона, ёқили қўйиш шохобчалари, йўллардаги назорат камераларига тушган суратлари намойиш этилиб, вазиятга батафсил изоҳ бериб ўтилди.

Шунингдек, матбуот анжуманида марҳум билан унинг вафот этган кун охириги мартабда қўришган дўсти Умидбек Давлетов, марҳум вафоти ҳақида ижтимоий тармоқлар орқали биринчи бўлиб хабар берган жияни Фурият Рўзметов ҳам сўзга чиқди.

Ахмадхон Пўлатов ўша кунги воқеалар хронологиясига қуйидагича таъриф берди: — Мазкур ҳолат бўйича Жиноят Кодексининг 266-моддаси бўйича жиноят иш қўзга

тилган. Сизга тушунарли бўлиши учун жиноят иш материалларидан слайд тайёрлаганмиз. Ҳодиса содир бўлгунга қадар Д.Рўзметов ИТД юз берган жойга қандай бориб қолганини хронологик тарзда тикладик.

6 ноябрь кунин соат 17:23да марҳум Д.Рўзметов ўзининг таниши, адвокат Умид Давлетов билан бирга овқатланиш мақсадида Урганч шаҳрида жойлашган «Глона» кафесига кириб келишган. Бу ҳолат кафедаги кузатув камералари томонидан қайд этилган.

Соат 21:52да Рўзметовнинг дўсти Ғайрат Бобожонов ҳам ушбу даврага келиб қўшилган. Соат 22:11да учаласи кафедран чиқиб, «Xorazm palace» меҳмонхонасига келишди ва кизмат сафари билан Урганчга келган Умид Давлетовнинг тунаши учун жой гаплашшадилар.

Жой масаласи ҳал қилингандан кейин бу шахслар соат 22:18да меҳмонхонадан чиқибди. Марҳум Давлатназар Рўзметов Қўшқўпирга — уйига қайтиши керак бўлди, шериклари уни йўналишсиз «Nexia-2» русумли таксига ўтказиб, ўзлари меҳмонхонага қайтишадилар. Қўшқўпирга кетишда Урганч тумани ҳудудидида «Машъал» номили дўкон бор, уни Хоразмда барча билади, такси шу жойгача қаллаштилган. Тергов жараёнида аниқландики, бу ерда Қўшқўпирга кетадиган таксилар шохобчаси бор. Марҳум шу ерда Қўшқўпирга кетиш учун «Nexia» русумли бошқа бир таксини гаплашиб, унга ўтиради.

Терговнинг сирини бор, шу сабабли фақат очик айта олишим мумкин бўлган ҳолатларнигина гапириб берайман. Урганч-Хива йўлида кетаяверишда йўл бўйида автомашиналарга газ қўйиш шохобчаси бор. Соат 22:45да Давлатназар Рўзметов таксида шу ерга кириб қолганини тасдиқловчи видеотасвирлар бор. «Газзаправка»га киришда йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун улар автомобилдан туширилади, шу тартибда кўра марҳум ҳам машинадан тушиб туради. «Газзаправка»дан чиққан Қўшқўпир йўналиши бўйлаб йўлда учун

етишади. Бизда бу ҳолатнинг видеоси бор, терговда тасдиқланган.

Йўлнинг тақминан 5-километрида такси ҳайдовчиси ва Давлатназар Рўзметов ўртасида даҳанакки тортишуш юзига келади ҳамда Д.Рўзметов ҳақл устида шу ердаги бекатда машинадан тушиб қолади. Айнан шу ерда — машинадан тушиб қолган жойда ИТД содир бўлмоқда. «ГАЗ 330200» русумли автомашина чап томони билан Д.Рўзметовни уриб юборган, у йўлнинг қарама-қарши томонига учиб кетган. Йўл-транспорт ҳодисаси чизмасида бу ҳолат кўрсатилган. Чизмада ҳодиса жойи, автомобилнинг термос изи, марҳум билан тўқнашуш содир бўлган жой ва у ИТД натижасида қаерга бориб тушгани акс этган. Яна шуни қўйишча қилиб айтиш мумкинки, ҳодиса рўй берганидан кўп ўтмай тезкор тергов гуруҳи томонидан дарҳол термос излари олинган, барча далиллар, чизмалар расмийлаштирилган.

Шунингдек, тадбирда ўша воқеа содир бўлган кунда марҳум билан бирга бўлган дўсти, адвокат Умид Давлетов ҳам бўлган воқеа ҳақида гапирди:

— Менга Давлатназар ака ҳақида гапир-риш қийин. У инсон ким учундир оддий журналист, ким учундир оддий одам, лекин мен учун қадрдон дўст эди.

Ҳақиқатан ҳам, 2019 йилнинг 6 ноябрь кунин хийомдаги Нафосат Оллошукурова иши бўйича Урганч шаҳрига бордим. Урганч аэропортидан чиқишим билан Давлатназар акага қўнғироқ қилиб, у киши билан учраш-моқчилигини айтдим. Шу кун Давлатназар ака билан учрашдик. Учрашганимизда у ниҳоятда хурсандлигини, унга нисбатан тўхмат қилиб ёзилган аризалар бўйича тўлиқ текширувлар ўтказилиб, Хоразм вилояти ИИБ томонидан унга нисбатан қўзғатилган барча мазмунли ишлар тугатилгани, ҳозирги кунда унинг журналистик фаолиятига ҳеч қандай тўсиқлиқ йўқлигини, аксинча, вилоят ИИБ раҳбарияти томонидан унинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича ижобий ишлар қилинганини фахрланиб айтиб берди.

6 ноябрь кунин Давлатназар ака билан кун бўйи бирга юрдик. Тўшқимиям, кечин овқат-ням бирга қилдик. Кечин овқатдан кейин мен меҳмонхонада қолдим, у киши уйига кетди.

Бахтсиз ҳодисани сиёсийлаштириш ишлари тўхтатилиши сўралди

Мен у кишидан меҳмонхонада тунаб қолишни илтимос қилдим, лекин у киши оиланинг олдига бораман, деб унамади. Эрталаб қайтиб келишини айтди. Кейин биз Ғайрат ака билан меҳмонхонанинг қарама-қарши томонидан у кишини таксига ўтказиб юбордик. Бу ҳақда юқорида батафсил маълумот берилди. Дўстимни охириги марта кўрганим шу бўлди.

Давлатназар Рўзметовнинг жияни Фарҳод Рўзметов амакисининг ўлими бахтсиз ҳодиса бўлгани ҳақида гапирди:

— Амакимининг журналистик фаолиятини қизиқиб қўзатиб борардим. ИТД содир бўлган ҳақида хабар етиб келганда хайрон бўлиб доведираб қолдик.

Зудлик билан ҳодиса жойига етиб бордик. Борганимизда ИТД содир бўлган қўнғир қоронғилиги яққол кўриниб турганди. ИТД амаким йўлнинг белгиланмаган қисмида кесиб ўтаётганда рўй бергани кўриниб турганди. Ҳодисадан сўнг у кишини тез тиббий ёрдам келиб олиб кетган, бизга амаким вафот этганини айтишгандан кейин 7 ноябрга ўтар кечаси соат 2-3ларда фейсбукда бу ҳақда пост қолдирдим. Бундан мақсад у кишини асосан фейсбук орқали яхши танишарди. Амакимининг ҳар бир вилоятда ўзига яраша дўстлари, таниш-билишлари бор эди. Улар амакимининг сўнгги йўлга жуна-тишга кеч қолмасин дегандим. Маърака билан бўлиб, ижтимоий тармоқларга қиролма-дим. Аммо кечроқ қирганимда амакимининг ўлими турпича талқин қилинган постларни кўриб, жуда қафа бўлдим. Мусибат ҳақида, марҳумнинг дўстлари, ёр-у биродарларини жанозага тақлиф қилиб қолдирган хабарим турпича талқин қилинаётгани учун фейсбук фойдаланувчиларидан воқеани сиёсийлаштирамаслик, билиб-билмасдан турли изоҳлар қолдирмаслиқини сўраб яна бир пост қолдирдим.

Давлатназар акам қандай журналист бўлган, қандай фаолият юритган, бунга ҳар ким, ҳар хил баҳо беради. Унинг ўзига яраша аудиторияси бўлган, ўзига яраша кузатувчилари бўлган, ўзига яраша муштарийлари бўлган.

Давлатназар акам фаолияти тўғрисида қўлгина вилоятларда, туман-шаҳарларда бўлган вақтида аҳолининг ижтимоий муам-

моларига кўп эътибор қаратган. Отасиз ёки онасиз вояга етаётган болаларга ёки уй-жойсиз оилаларга ё бўлмасам ижтимоий муаммоси бўлган оилаларга кўпроқ ёрдам беришга ҳаракат қилиб журналистик фаолиятини олиб борган.

Лекин шу ўринда менга оғир бўлса ҳам у кишининг оилавий аҳоли ҳақида икки оғиз гапириб ўтмасам бўлмайди. Бугунги кунда амакимининг ортида уч фарзанди қолди. Авли ишсиз. Оиламиз билан биргаликда у кишининг фарзандларини ёлғизлатиб қўймаймиз. Бироқ ҳар бир оиланинг ўзига яраша ташвишлари бор. Мавриди келганда оммавий ахборот воситаларига, бу ерда йигилган журналист ва блогерларга илтимос билан мурожаат қилмоқчиман. Амакимининг оилавий шароити билан танишсангиз, у мол-дунё, давлатга қизик-маган. Ҳар бир журналистнинг ҳақи билан танишсангиз, у мол-дунё, давлатга қизик-маган. Ҳар бир журналистнинг ҳақи билан танишсангиз, у мол-дунё, давлатга қизик-маган.

Журналистлардан бугунги матбуот анжуманидаги маълумотлардан келтириб чиқиб, аҳолининг ҳақи билан танишсангиз, у мол-дунё, давлатга қизик-маган. Ҳар бир журналистнинг ҳақи билан танишсангиз, у мол-дунё, давлатга қизик-маган.

— Фурсатдан фойдаланиб, Давлатназар Рўзметовнинг оила аъзолари ва яқинларига яна бир бор чуқур ҳамдардчилигини билди-раман, таъзияминини изҳор қиламиз, — деди Комил Алламжонов. — Мазкур бахтсиз ҳо-дисани гаразли мақсадлари йўлида сиёсийлаштиришга уринаётганлардан ҳеч бўлмаса марҳумнинг руҳи ҳақиқи бу ишларни тўхтати-шни илтимос қилардик...

Журналист сифатида ушбу анжуманда иштирок этганим боис, бугунги кунда мамла-катимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож оила-ларга ҳукуматимиз томонидан алоҳида эъти-бор қаратилиб келинаётганлиги, Давлатназар Рўзметовнинг оиласига, яъни уч нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, авли ҳеч жойда ишламаслигини инобатга олган ҳолда улар-га ҳам молиявий ёрдам зарурлиги тўғрисида фикр билдирдим.

Мен у кишидан меҳмонхонада тунаб қолишни илтимос қилдим, лекин у киши оиланинг олдига бораман, деб унамади. Эрталаб қайтиб келишини айтди. Кейин биз Ғайрат ака билан меҳмонхонанинг қарама-қарши томонидан у кишини таксига ўтказиб юбордик. Бу ҳақда юқорида батафсил маълумот берилди. Дўстимни охириги марта кўрганим шу бўлди.

Давлатназар Рўзметовнинг жияни Фарҳод Рўзметов амакисининг ўлими бахтсиз ҳодиса бўлгани ҳақида гапирди:

— Амакимининг журналистик фаолиятини қизиқиб қўзатиб борардим. ИТД содир бўлган ҳақида хабар етиб келганда хайрон бўлиб доведираб қолдик.

Зудлик билан ҳодиса жойига етиб бордик. Борганимизда ИТД содир бўлган қўнғир қоронғилиги яққол кўриниб турганди. ИТД амаким йўлнинг белгиланмаган қисмида кесиб ўтаётганда рўй бергани кўриниб турганди. Ҳодисадан сўнг у кишини тез тиббий ёрдам келиб олиб кетган, бизга амаким вафот этганини айтишгандан кейин 7 ноябрга

Электромобиль ҳар доим учқур ва кучли ҳисобланади. Айни пайтда камхарж, экологияга салбий таъсири йўқ.

Автосаноат келажаги: автомобиль ёки электромобиль?

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

Мамлакатимизда автомобилсозликка асос солингани мустақиллик инояти. Ўтган йиллар давомида биз учун буткул янги бўлган соҳанинг юртимиз иқтисодийотидаги салмоғи ортиб бормоқда. 2018 йилга келиб Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотида автомобиль ишлаб чиқаришининг ҳиссаси 6,6 фоизни, sanoat мажмуидаги улуши 28 фоизни ташкил этди. Бугунги кунда «Ўзавтосаноат» АЖ корхоналарида 30 минга яқин, уларга бутловчи қисмлар ва материаллар етказиб берувчи соҳаларда 200 мингдан ортиқ киши меҳнат қилади.

Глобал иқтисодиёт бағоят улкан иморатки, у автомобилсозликнинг пойдевори ҳам янгидан-янги инновацион гоялар устида изланиш, энг замонавий, ҳамёнбоп ва тежамли моделларни ишлаб чиқариш, уларни ички ва ташқи бозорда сота билиш каби таянчлар билан мустаҳкам. Бинобарин, келажак бугундан бошланиши ҳаммамизга яхши маълум. Шу жиҳатдан олганда, ҳозирги кунда юртимизда амалга оширилаётган лойиҳалар, белгиланган вазифалар моҳияти Ўзбекистон автомобилсозлигининг яқин истиқболига назар ташлаш имконини беради. Табиийки, бу жараёнлар дунёдаги эврилишлар билан уйғунлиқда кечади. Соҳанинг реал ҳолатига доир қиёс ва таҳлиллар эса, бу борадаги тасавурларимизга янада ойдинлик киритади.

«ҚУРБАҚА» ВА «ГОЗЛАР ГАЛАСИ» КОНЦЕПЦИЯСИ: ҚАЙ БИРИ АФЗАЛ?

«Ўзавтосаноат» АЖ раиси Шавкат Умурақов 2018 йилнинг 24 сентябрида «Газета.уз»га берган интервьюсида қайд этишча, «Иқтисодий ривожланишнинг икки хил тури мавжуд: «қурбақа» ва «гозлар галаси». Биз шу пайтгача, тараққиётнинг «галаси» йўлини танлаганимиз... Биз бундан воз кечишимиз керак, негаки, биз эски йўлдан борсак, етакчилар билан оралиғимиздаги масофа тобора олинслаб бораверади. «Қурбақа» йўли – бу ҳали ҳеч қим эга бўлмаган машиналарни ўзлаштириш. Хитой шу йўлдан бориб, энг яхши автомобилларни ишлаб чиқариб келади. Биз ҳам энг яхшиларини, ҳаққоний ҳамкорларни танлаб олишимиз зарур».

Қизиқ томони, жамиятнинг янги раҳбари «GM Uzbekistan» билан ҳамкорлигининг 22 йилли давомида автомобилсозлик учун энг зарур бўлган мутахассислар, ҳатто у ёки бу эҳтиёт қисм, фойдаланилаётган материал, ҳаракатлар тизими ва бошқа жиҳатлар танқидий таҳлил эътиборини биронта инженер-баҳоловчи бўлмаганлигини тушунади, ажабланиади.

Ҳа, шундай, «Ўзавтосаноат»да тушуниб бўлмайдиган, хайрон қоландиган ишлар кўп бўлган. 2018 йил 26 июнь кўни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган йилгишда автомобилсозлик мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутуши эътироф этилиб, лекин кейинги пайтда тармоқнинг барча даражадаги бошқарувида, коррупция, товланмасчилик, таниш-билишчилик каби иллатлар илдиэ отганини танқид қилди. Тизимда қардорлик золага келган, автомобиллар йиллар давомида ўз таннариҳидан паст қийматда экспортга сотилган...

Бунинг оқибати аён. «GM Uzbekistan»нинг имконияти қуввати 300 минг донга бўлган ҳолда 2016 йилда бор-йўғи 88,2 мингта, 2017 йилда 135,5 мингта энгил автомобиль ишлаб чиқарди. Экспорт ҳам шунга яряша пастлашиб кетди.

Давлат раҳбари йилгишда автомобилсозликда маҳсулот таннархини камайитириш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш, маҳсулотларни ички ва ташқи бозорда сотиш тизимини такомиллаштириш, импортни қисқартириш бўйича топшириқлар берди.

Бошқарув раҳбарлари алмаштирилгани, тизимни замонавийлаштириш, иллатларни барҳам топтириш, аҳолини тубдан яхшилашга қаратилган аниқ чора-тадбирлар қўрилгани кўп куттирмай ўз самарасини берди. Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига қараганда, 2019 йилнинг январь – октябрь ойларига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан энгил автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажми 41,8 фоизга ортиб, қариб 219 мингтани ташкил этган, юк автомобиллари 31,8, автомобилъ деиғателлари 43,3 фоизга кўпайган. Ушбу ўсиш жараёнларига катта йўл бошидаги марра сифатида қараш керак. Чунки мамлакат раҳбарининг жорий йил 8 июль кўни ўтказган йилгишда ва 18 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси автомобиль sanoatини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарориди 2023 йилга қадар энгил автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажмини 350 минг донгача, маҳаллийлаштиришни ўртача 60 фоизга, юк автомобиллари ва автобуслари 10 000 тага, экспортни 100 минг донга етказиш вазифаси қўйилди.

МАҚСАД-МАРРАЛАРГА ҚАНДАЙ ЙўЛЛАР БИЛАН ЭРИШИЛАДИ?

Ҳақиқатан, режалар миқёси катта, муддат эса, қисқа. Ҳаттоки, «Буюк келажак» ХННТ томонидан тақдим этилган Ўзбекистон 2035 йилгача ривожлантириш стратегияси концепциясида ҳам ана шу йўлга бориб энгил автомобиллар ишлаб чиқаришни 300 мингтага етказишлиши назарда тутилган эди. Давлат раҳбари қарориди эса, 350 минг донга автомобилъ тайёрлашга тўрт ярим йилда эришиш вазифаси қўйилган. Шу мақсадда корпоратив бошқарувнинг замонавий усуллари, шунингдек, «ERP» автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизими жорий этилади, аҳолининг кенг қатламлари учун ҳамёнбоп бўлган автомобилларнинг моделлар тури янгиланади.

Энгил автомобиллар таннархини яқин йилларда 15-20 фоизга қайтариш учун эса, «Ўзавтосаноат» АЖ раисининг ўринбосари Азизбек Шукуровнинг билдиришича, ҳозирги пайтда «UzAuto Motors»да 5 турдаги энгил автомобиль 5 та алоҳида платформада ишлаб чиқариляпти.Бу ҳаражат, ресурс ва вақт сарфини кўпайтириб, маҳсулот нарҳига ўз таъсирини ўтказмоқда. Ягона платформада бир неча марказда ги автомобиллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бу муаммонни ечишининг тўғри йўли ҳисобланади. Ҳар бир автомобиль учун 1000 -1500 бутловчи детал зарур. Ягона

платформа бу қисмларни бир йўлақайга йиғиш имконини беради. Шу тариқа ишлаб чиқариш миқёси кенгайди, таннарх эса, 15-20 фоизга камаяди.

Қайд этиш жоиз, бу ва бошқа лойиҳаларни амалга ошириш учун 700 миллион доллар миқдорига хорижий инвестиция жалб этилиши кўзда тутилган. Мазкур қарор билан 2019 йил 1 октябрдан кейин тузиладиган шартномалар бўйича «UzAutoMotors» АЖ томонидан ишлаб чиқариладиган автомобилларга акциз солиғи бекор қилинди.

Хуллас, «UzAutoMotors» зиммасига масъулиятги вазифалар юкланиши борабарда унинг фаолияти янада кўплаб-қуватланаёпти. Оммавий ахборот воситаларида бошқа монопол компаниялар каби мазкур жамиятнинг ҳам миллий ишлаб чиқарувчи сифатида ҳимоя қилиниши рақобатдошликка олиб келмаслиги, импорт тарифларидан воз кечиб, «иномаркалар» учун мамлакат дарвозаларини очиб қўйиш ҳақидаги фикрлар кўзга ташланиб қолади.

Асос – бозор иқтисодиёти тамойиллари. Лекин давлат идоралари мулозимлари бундай қечловлар бошқа мамлакатлар тажрибасида ҳам кўпلىниб келинаётганига ургу беради. Бу жиҳатдан аввалги ҳафтада Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида бўлиб ўтган матбуот анжуманида Ўзбекистонда 2020 йил 1 январдан бошлаб қимматбоғлиқ автомобиллар импортига имтиёзли ставка бекор қилиниши, монополия шароитида бу ҳақдаги тўғри бўлиши ҳақидаги саволга Монополия қарши курашиш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Бўмир Қаримовнинг жавоби эътиборни тортади.

«Бунги Япония ёки Жанубий Корея мисолларида олса бўлади, уларда ҳам протекционизм, яъни узининг иқтисодиётини ҳимоялаш сисёати олиб борилган. Бу сисёат уларга жуда яхши натижаларни берган. Биз ҳам автомобиль куриш соҳасини йўлга қўйдиқ. Жуда сифатли машиналар чиқарямиз. Лекин ҳар қандай имтиёзлар муддатли бўлиши керак. Муддатсиз бўлиш керак эмас. GM эса муддатсиз вақтга имтиёзлар олган. Бу давлат сисёати. Агар ҳукуматимиз корхона бўёғига ўзи ишлаб кетиши мумкин, деган хулосага келадиган бўлса, божхона ставкалари камайиши ва Ўзбекистонга бошқа машиналар ҳам кириши мумкин. Ҳа, бу рақобатни чеклайди. Биз буни кўп жойда айтганимиз. Агар соҳада сисёат бошқача олиб борилса, машиналар кириб келадиган бўлса, божхона ставкалари камайса, машина сотадиган корхоналар ҳам кўпаяди ва GM билан бемалол рақобатлашади. Истеъмолчинлар арзонроқ ва сифатлироқ машина олиш имкониятига эга бўлишади».

Изоҳга ҳожат бўлмаса керак. Назаримизда, муддатсиз имтиёзларни чеклаш вақти ҳам келади. Фақат вақт шиддат билан ўтиб бораёпти.Соҳани жадал ривожлантириш учун жадал ишлаш керак бўлади. Қарор моҳиятидан келиб чиққанда, илгор халқаро тажриба асосида замонавий бозор механизмлари ва бошқарув усуллари татбиқ этилиши, ички ва ташқи бозорда ҳам ярайдиган рақобатбардор ишлаб чиқариш, ошқора ҳамда шаффоф тизим яратишни пайсалга солмаслиқ зарур. Кучли рақобат «иклимни» золага келган шароитда коррупция, порахўрлик ва таниш-билишчилик каби иллатлар урқий олмайд, мавжудлари ҳам барҳам топади.


ТАЪМАЛ ТОШИ: ИЛМ ВА АМАЛИЁТ УЙЎНЛИГИ

— Электромобиль ҳақида кўп ўқиган, лекин қўрмаган эдик, бугун ҳаммамиз билдик ва бевосита танишдик.

Бу фикрни тақдимот-семинарда суз олган республика инновацион ривожланиш вазирининг ўринбосари Шароф Ражаббоев билдирди.

Халқимиз ҳам топиб айтган: минг эшитгандан кўра, бир марта қўрган афзал. Қўёш энергияси халқаро институти билан ХХР-нинг Hengan Suda Electric Car Technology Co.Ltd. ҳамкорлигининг дастлабки натижалари бунинг яна бир далолати. Мавзуга доир олдинги шарҳимизда институтта 20 та электромобиль келтирилгани, бунинг сабаби ва ҳамкорликдаги инновацион лойиҳаларнинг мақсад-режалари ҳақида суз юритган эдик.

Шундан кейин Қўёш энергияси халқаро институтида ўтказилган тақдимот-семинарда Ўзбекистон ОАВ, тегишли вазирлик ва идоралар, ФАВ вакиллари «Suda» русумли электромобилларнинг техник хусусиятлари ва афзалликлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Қатнашчилар Хитойдан келтирилган автоуловларда юриб қўришди, қуватлаш жараёнлари билан бевосита танишишди, электродвигател, электрон бошқарув тизимидан тортиб, узатиш, тўхтатиш, ёритиш мосламаларини кўздан кечиришди. Синов-тажриба



лабораториясида намойишга қўйилган электромобилнинг асосий қисмларига хос хусусиятлар ҳақидаги баёнини компания президенти Ли Фухо шундай хулосалади:

— Буларнинг ҳаммасини ўзимиз яратганимиз, дунё автомобилсозлигининг энг илгор гоялари мужассам, қай жиҳатдан олсак ҳам бетакор, инновацион, тежамкорлик ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳам жаҳонда тенги йўқ технологиялар жорий этилган. Аватомашина русумига ва харидор буюртмасига қараб, тўрт ёки икки гилдирагига ушбу воситани қўйсақ, юрган вақтда зарур қувватчи беради. Қўёш нуридан қувват оладиган электромобиль яратиш ишлари нихоьга етиб қолди...

Архимед излаган таянч нуқтани Hengan Suda Electric Car Technology Co.Ltd.нинг электромобиль соҳасида топиши аслида осон кечмаган. Ли Фухо ва унинг маслакдошлари ўта машаққатли йўлни танлаб, энг шимариб ишга киришди. Ўз лойиҳалари асосида завод куришди, ўз илмий ишланмаларини ишлаб чиқаришга татбиқ этишди.

2010 йилда асос солинган корхона бугунги кунга келиб, ички ва ташқи бозорга йилгига 100 мингта энг замонавий электроруповлар етказиб берадиган заводга айланди. 1990-нафар иш ўрнига эга бўлгани ҳолда 100 га яқин хорижий ва хитойлик машҳур олим у экспертлар унинг келажак лойиҳаларини яратиш, мавжудларини такомиллаштириш борасида изланишлар олиб боради. Барча жаҳдадаги инновацион жараёнлар асоси илм ва амалиётнинг уйғунлиги билан боғлиқ.

Hengan Suda Electric Car Technology Co.Ltd. узининг Ўзбекистондаги ҳамкорлигини, энг аввало, фан ва амалиёт пойдеворини куришдан бошлаётгани эътиборга молик. Компания Халқаро қўёш энергияси институти билан мамлакатимизда амалий тадқиқот институти ташкил этаяпти.

— Бу ерда ўзбекистонлик ва хитойлик олимлар елкама-елка туриб иш олиб боришади, — дейди институт директори Нураддин Матчонов. — Бундан ташқари, электромобиль технологиялари учун сино-сертификатлаш ҳамда техник марказлари ҳам тез орада иш бошлайдил. Бу марказлар негизда қувватлаш қурилмалари ва шохобчаларини ташкил этиш, халқаро стандартларга миллий стандартларни уйғунлаштириш, илмий-техник ва маркетинг изланишлари олиб борилади. Бир суз билан айтганда, фан билан амалиёт баҳамитилигига амал қилинади. Бундан ташқари бизга тақдим этилган 20 та электромобиль ва қувватлаш станцияси юртимизнинг барча ҳудудларида синодан ўтказилади, унинг асосида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишининг энг маъқул йўналишлари танланади. 2021 йилга бориб электромобиллар ишлаб чиқаришга киришиш мўлжалланган.

Кейинги пайтда ОАВда Ўзбекистонда электромобиллар ишлаб чиқарилишига доир хабарлар кибиб турибди. Ўзбекистон Президентига жорий йилнинг 14 сентябрь кўни «Қўқон» эркин иқтисодиёти зонасидаги «Шаффоф омадли sanoat» қўшма корхонасида тайёрланиши мўлжалланаётган электромобиллар ҳақида маълумот берилди. Бу ерда мазкур лойиҳани хитойлик ҳамкорлар иштирокчида 2021 йилда амалга ошириш учун 30 миллион АҚШ доллари миқдориди инвестиция йўналтирилиши режалаштирилган.

Хонобод шаҳрида шундай корхонани ташкил этиш Вазирлар Маҳкамасининг «2019 — 2022 йилларда Андижон вилоятининг sanoat салохиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарориди белгиланган. Унинг ҳам ишга тушириш муддати — 2021 йил.

Бундан икки ой олдин Хитойнинг Hebei Good Hope Logistics Development Co. Ангренда электромобиллар(никаллар) ишлаб чиқаришни амалга ошириш бўйича келишувга эришган.

Маълумотларга кўра, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам бу борадаги лойиҳалар устида иш олиб боришмоқда. Пойтахтимиздаги транспорт йўналишларидадн бирида белоруслик ишлаб чиқарувчиларнинг электротабуси синодан ўтаяпти. Юртдош олим-мутахассисларимиз, тадбиркорларимиз ўз ташаббуслари билан электромобиллар иктиро қилаётгани, йига бошлагани хусусидаги хабарлар соҳанинг эртаниг кунига умидворлик уйғотади.

Кейинги пайтда электромобиллар ишлаб чиқаришни давлат томонидан кўплаб-қувватланишига доир масалалар ҳуқуқий норматив ҳужжатларда ҳам ўз ифодасини топа бошляди. Хусусан, Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий

фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, импорт қилинадиган электр транспорт воситалари учун акциз солиғи ва божхона божги тўлаш бекор қилинди. Фақат уларнинг нархидан 20% миқдорда ҚҚС, 0,2% божхонада расмийлаштириш йиғими ва республика йўл фондида 3% йиғим тўланади.

Давлат раҳбарининг жорий йил 4 октябрдаги «2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ги қарориди , мамлакат автотранспортни ривожлантиришининг ўрта ва олис йилларга мўлжалланган стратегиясида доир ҳужжатларда электромобилини тарқиқий этириши бўйича қайдлар вақт келиб андиқайи айлинишидан дарак беради.

Айтиш жоиз, электромобиль ишлаб чиқаришни йўлга қўётганлар учун давлат томонидан бошқа бир имтиёз ва рағбат ҳозирча белгиланмаган. Бу йўлни танлаганлар ўз куч-гайратларига таянишлари, молиявий имкониятларини ишга солишлари зарур.

«UzAutoMotors» АЖ нинг ҳозирги пайтда электромобилларга сид бирон-бир лойиҳа устида иш олиб бораётганини маълум эмас, келажак режалари ҳам маълум. Журналист сифатида бизнинг ҳам бу борадаги мурожаатимиз жавобсиз қолди.

ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ САБОҚЛАРИ

Мана, ХХI асрнинг иккинчи ўн йиллиги ҳам охирига бораёпти. «Индустрия 4.0» гояси бутун дунёни забт этишни бошлади. Яъни машиналар бошқа машиналарни яратишни бошлайдиган, ҳавтимиэини тубдан ўзгартирувчи янги санаот инқилобини оstonасидимиз. Қизиги шундаки, электромобиль дунёдаги дастлабки транспорт воситаси сифатида иккинчи индустриал инқилоб пайтида (ХIХ аср охири — ХХ аср боши) — электрлаштириш, конвейер, меҳнат тақсимоти, оммавий ишлаб чиқариш даврида кириб келган. 1881 йилда Густав Тробе ўзининг уч гилдиракли электромобилини Париждаги халқаро кўргазмада намойиш этган. Орадан тўрт йил ўтиб, Германиянинг машҳур Daimler-Benz компаниясига асос солган Карл Бенц ички ёниш двигателида ишловчи автомобилни яратди. Замонамизнинг дастлабки электромобили 1992 йилда йўлга чиққан...

Яна бир ажабланарли томони, электромобиль ҳар доим учқур ва кучли ҳисобланади. Унинг қувват воситаси самарадорлиги коэффициенти 88-95 фоизи ташкил этгани ҳолда ички ёниш двигателиники атиги 22-42 фоизга тенг. Кўпларда ҳалигача электромобилини қувватлантириш учун, албатта, махсус станциялар керак, деб ўйлайди. Турри, улар ҳам зарур. Ҳозирги кунда Хитойда бундай станциялар сонин 200 мингдан ортиқ бўлса, янги келажакда уч миллионга етказишлиши мўлжалланган. Чунки улар наиники, энгил, шу билан бирга, жадал суръатда кўпайиб бораётган юк электромобиллари ва автобусларга ҳам хизмат кўрсатади. Ваҳолянки, айнаи пайтда электромобилини уйингизда 200 кВтли электр тармоғи орқали худди кўп телефон каби зарядлаш мумкин.

Иқтисодий жиҳатдан олганда, 1кВт электр энергиясини 300 сўм, деб олсак, 99 кВт қувватли ва 300 км йўл босадиган Hyundai Kona Electric электромобилини тўла зарядлаш учун 29000 сўмлик электр энергияси сарфланади. Агар ана шу масофа бензинда босиб ўтилса, ўртача 90 000 сўм тўлашга тўғри келади. Иқтисодий тежам қариб 3 баробар.

Мичиган транспорт тадқиқотлари институти олимлари томонидан олиб борилган ўрганишлар АҚШда электромобилларни фойдаланиш ҳаражати йилгига ўртача 485 долларни, ички ёниш двигателли автомобилларники эса, 1 117 долларни ташкил этади. Бундан ташқари, электромобилнинг эҳтиёт қисмлари камлиги туфайли ундан фойдаланиш ва таъмирлаш ҳаражатлари ҳам паст бўлади. АҚШ Энергетика вазирлигининг маълумотига кўра, 2017 йилда бутун мамлакат ҳудудида 406 миллион тонна бензин сотилган.

Транспорт воситаларининг 18,5 фоизи ҳозирги кунда электродвигателли эканлиги инобатга олинса, бу йилгига 75 миллион тонна ёқилғи иқтисод қилинганлигини кўрсатади. Мўқобил машиналар сонин йилдан йилга кўпайиб бормоқда.

Электромобилсозлик ривожига энг катта таъсир кўрсатаётган омиллардан бири — бу унинг экологик тозаллиги ва шовқинсиз ҳаракати. Давлат экология қўмитаси яқинда юртимизда кузги «Тоза ҳаво»

операциясини ўтказди. Атмосферани муҳофаза қилиш қўнунчилигини бузганлиги учун 2400 дан ортиқ автомобиль эгалари жами 157 миллион сўмдан зиёд жаримага тортилди. Мамлакатимиз миқёсида атмосферага ифлослантирувчи моддаларнинг умумий ташламалари бўйича транспорт воситаларининг улуши 60 фоизни, Тошкентда эса, бу миқдор 90 фоиздан ортиқни ташкил қилади. Демак, бизнинг кўчаларимизда ҳам электромобиллар кўпайгани сайин ҳавонинг ифлосланиш даражаси шунчалик камайиб бораверади. Зеро, тоза ҳаво — соғлом инсон, соғлом миллат, соғлом авлод дегани.

Шу боис ҳам Норвегия 2025 , Исроил 2030 йилга бориб ёнишлиг дивателларидан тўла воз кечиб, электр транспортга ўтишни режаласмоқда. Бундай мақсадли давлатлар сафи тобора кенгайиб бораёпти. Бу борада бизга Хитой тажрибаси кўп келиши мумкин.

2015 йилда ХХР ҳукумати томонидан «Made In China 2025» дастури қабул қилинди,унга кўра, 2025 йилга бориб, мамлакат дунёдаги ривожланган ўн та етакчи давлат сафидан жой олиши зарур. Мазкур дастурнинг энг асосий йўналишларидан бири — маҳаллий электромобиль ишлаб чиқариш ҳажмининг 60 фоизга; экспортдаги улушини 10 фоизга етказишдан иборат. Мазкур стратегияни амалга ошириш борасида давлат томонидан шу пайтга қадар солиқ ва божхона имтиёзлари бериб келинди. Хорижий компаниялар ҳам бундан мустасно эмас. Уларга имтиёзли кредитлар тасдиқ этилгани ҳолда завод куриш учун жой ажратишда , жиҳозлаш учун хорижий технологиялар олиб киришда солиқ ва божхона энгилликлари кўзда тутилган.Бу каби чора-тадбирлар самарасини электромобилларнинг сотилиши мисолида яқол кўриш мумкин. 2018 йилнинг ўзида 1 миллиондан ортиқ хитойлик экологик тоза транспорт эгаси бўлди.

Жорий йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб Хитойда ҳам электромобилсозлик ва истеъмолчилар учун берилаётган субсидиялардан воз кечила бошланди. Чунки тармоқ оёққа туриб олди. Эндиликда қар бир корхона ўз аравасини ўзи торта олади.Лекин янги тартиб бўйича, автомобилсозлик корхоналарининг ишлаб чиқариши таркибида 2019 йилда 10, кейинги йилда 12 фоизи электромобиллар бўлиши зарур. Акс ҳолда катта жаримага тортилади.

Энди дунё электромобилсозлигига доир маълумотларга эътиборингизни тортсак. «Bloomberg New Energy Finance»нинг тадқиқотларига кўра, 2019 йилда экологик тоза машиналар сонин дунё бўйича 23-48% ортиб, 2,4-2,9 миллион донга атрофида ишлаб чиқарилиши, 2025 йилга бориб эса, уларнинг йиллик сотув ҳажми 25 миллионга етиши кутилляпти. Ҳозирги кунда жаҳонда харид қилинаётган электромобилларнинг 60 фоизи хитойлик ишлаб чиқарувчилар ҳиссасига тўғри келади.

Бу турдаги транспорт воситаларининг жаҳондаги оммалашуви 2025-2030 йилларда энг авж нуктага чиқиши башорат қилинмоқда, Бунинг натижасида 2040 йилга келиб, электрда юрадиган машиналарнинг глобал бозордаги сотиш ҳажми 54 фоизга етади ва ҳар учта автомобилдан бири электрлашган бўлади.

Юқориди санаб ўтилган лойиҳалардан ҳам аёниқ, Ўзбекистонда электромобиль ишлаб чиқариш ёки унинг импорт қилиниши эндигина шаклланиш босқичига етиб-етмай турганлигидан далолат беради. Бунинг сабабини мутахассислар бутун дунёдаги каби қимматли ва инфратузилманинг ривожланмаганлиги билан изоҳлашади. Ҳақиқатан, ҳозирча мамлакатимизда бирон бир махсус электр қувватловчи станция йўқ, фақат Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан келтирилган электромобиллар Самарқанд, Бухоро, Шахрисабз ва Хивада сайёҳларга хизмат кўрсатаёпти.

Ўзбекистон ўз олдида 2030 йилга бориб дунёдаги энг етакчи 50 та давлат орасидан жой олишни мақсад қилиб қўйган.Жаҳон тажрибаси бу мақсадга бошқа устувор йўналишлар сингари электромобиль sanoatини ривожлантириш, ёқилғи ва ҳомашё ресурсларини тежаш , табиатни авайлаб асраш орқали эришиш мумкинчилигини кўрсатмоқда. Шу боис халқимизнинг ислохотлар жараёнини янада шиддатлашуви ва чуқурлашувидан умиди катта. Мамлакатимизнинг электромобиль соҳасидаги ютуқларидан ҳам олис келажакда эмас, балки яқин истиқболда баҳраманд бўлишни истади.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
Иқтисодий шарҳловчи.

БИЛАСИЗМИ?

Ҳомиладор

аёлларга

қандай имтиёзлар бор?



Ҳомиладор аёлларни ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлларни уларнинг розилигисиз тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кўнларидидаги ишларга жалб қилишга ва хизмат сафарига юборишга йўл қўйилмайди.

Шу билан бирга, ҳомиладор аёлларни ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни тунги ишларга жалб қилишга бундай иш она ва боланинг соғлиғи учун хавф туғдирмаслигини тасдиқловчи **тиббий ҳуло-са бўлган тақдирдагина** йўл қўйилади.

Мобиль

қурилмаларни

рўйхатга олиш давом этмоқда



Қўнунчилиққа мувофиқ. Ўзбекистон ҳудудида фойдаланилаётган, сотиш ёки шахсий фойдаланиш учун олиб кириладиган ва ишлаб чиқариладиган **мобиль қурилмалар махсус тизимда (www.uzimei.uz)** рўйхатга олинади.

Ушбу тизим қуйидагиларни таъминлаш мақсадида жорий этилган:

— **мобиль қурилмалардаги ўзига хос идентификация кодлари**

Одамлар дардини уйма — уй юриб, маҳаллаларда учрашувлар ўтказиш орқали эшитиш ва уларни қисқа вақтда ҳал қилишга тўғри келаяпти.

Одамлар ишончини қозониш, дардига малҳам бўлишдан улуг саодат йўқ

ХУДУДИЙ СЕКТОРЛАР ФАОЛИЯТИДАН

Давлатимиз раҳбарининг халқпарвар ва бағрикенгликка асосланган сиёсати ҳақида гап кетганда, жорий йил 8 январдаги "Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорини тилга олиш кифоя.

Сўзимизни Паркент туманидаги иккинчи сектор фаолияти мисолида давом эттирадиган бўлсак, одамларни рози қилишга қаратилган ишловларнинг аҳамиятини чуқурроқ англаймиз.

Туман прокуратурига бириктирилган 9 та, жумладан, "Обжувоз", "Сурхи", "Гулбоғ", "Бойқозон", "Истиқбол", "Яшнобод", "Мозорхожи", "Қайилма", "Богбон" маҳаллаларидаги жами 4 минг 108 та хонадонда 24 минг 82 нафар фуқаро истиқомат қилади. Шунча одам билан мунтазам ишлаш, уларни қийнаб келаятган муаммоларни ҳал этиш осон эмас. Лекин вақт кўтиб турмайди-да. Аҳолини сарсон қилмаслик учун сектор штаби "Қайилма" маҳалласидаги шинам бинога жойлаштирилди.

Тартиб-интизом, тежор ва аниқлики ошириш мақсадида замонавий штаб техник воситалар билан тўлиқ таъминланди.

Сектор ҳудуди аҳолисининг аксарияти ўз муаммосини штабга кўтариб келишига уялади. Аммо, ким қайси муаммо билан келар экан, деб қўтиб ўтиришга фурсат йўқ. Одамлар дардини уйма-уй юриб, маҳаллаларда учрашувлар ўтказиш орқали эшитиш ва уларни қисқа вақтда ҳал қилишга тўғри келаяпти. Ана шундай юзма-юз мулоқотларда ўтган давр мобайнида 219 та муаммо аниқланди. Улар, асосан, ишга жойлашиш, газ ва электр таъминоти, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, саломатлигини тиклаш, уй-жой таъмири, моддий кўмакка муҳтожлик билан боғлиқ бўлиб чиқди. Муаммоларнинг 197 таси ҳал этилди. Бирок, 22 таси қўшимча вақт ва маблағ талаб қилиши маълум бўлди. Шу масала юзасидан ишлаб чиқилган "Йўл харитаси"га қўлган муаммолар ҳам киритилди. Айни вақтда улар ўз ечимини топиш арафасида.

Давлатимиз раҳбарининг халққа яқинлашиш зарурлиги тўғрисидаги талаби аҳамиятини шундай лаҳзаларда англаб етаркансан, киши. Масалан, "Обжувоз" маҳалласида истиқомат қилувчи 5 та оила уй-жойга муҳтож

эканини билдирган эди. Бир қарашда, муаммонинг ечими йўқдек кўринади. Лекин, дилдан айтилган гапларни ҳис қилганимда, муҳтожлик машаққатларини тинглаганимда, кўзлардаги умид учқунларини кўрганимда ўз-ўзидан изланиш, бор имкониятни ишга солишга ғайратинг ошиб кетар экан.

Обжувозлик беш оиллага уй-жой олишлари учун узоқ муддатга имтиёзли, қўлай шартлардаги ипотека кредитларининг бошланғич бадаллари маблағи ҳам осонгина топилиди. Янги уй орзуларга қанот, ишончга пойдевор бўлса, ажабмас.

Орамизда яна шундай одамлар борки, "Қани энди, маблағим бўлса-ю, тайинли бир ишни бошидан тутиб, дастурхонимни тўкин қилсам", деб юраверадилар. Шундай кайфиятда юрган 18 та кам таъминланган оиллага кам фоизли кредит, айримлари эса, фаол тадбиркорларимиздан ҳомий бириктирилди. Бугун уларнинг турмуши яхши, муҳими, эртанги кунга ишонччи баланд.

Иккинчи секторда 314 нафар фуқаронинг ногиронлиги бор. Уларга зарур бўлган протез-ортопедия анжумлари, аравачалар ҳам босқичма-босқич етказиб берилмоқда. Шунингдек, эҳтиёжманд ва ногиронлиги бўлган шахслар яшайдиган оилаларга ташаббускор ҳомийларни жалб қилган ҳолда бепул қорамол ва бошқа турдаги чорва моллари ҳамда 4 та хонадонга 50 бошдан парранда тарқатилди. Шу билан бирга, эҳтиёжманд оилаларнинг 52 тасига тижорат банклари томонидан 936 млн. сўм кредит ажратилди.

Ҳудуддаги "Истиқбол" ва "Сурхи" маҳаллаларини "сув" билан таъминлаш елкада тоғни кўтариб туришдек машаққатли бўлгани рост. Бир неча идоралардан ёрдам сўраш, маслаҳатлашулар билан охири-оқибат уша икки кўчага янги сув кудуги қазилиб, жами 17 км. 200 метр узунликда ичимлик суви қувурлари тортилди. "Богбон" маҳалласида 1 минг 357 метр узунликда ичимлик суви қувурлари тортилиб, айрим хонадонлардаги муаммо тўлиқ

бартараф этилди. Шу маҳалланинг барча кўчасига асфальт ҳам ётқизилди.

Туманда тадбиркор қанча кўпайса, иш билан банд бўлган одамлар сони шунчалик ортади. Оилаларга барака, фаровонлик киради. Давлат иқтисодининг қуввати ортишида ҳам тадбиркорларимизнинг ҳиссаси катта, албатта. Шу боис, ҳудудда оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш мақсадида барча куч ва воситалар сафарбар этилаётир. Солиқ, энергия ресурслари тўловидаги имтиёзлар бўладими, маҳсулотни сотишдаги эркинликми, хуллас, ҳамма шароит муҳайё қилинди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, туманда тадбиркорлар сонини кескин оширишга бу эътиборларнинг ўзи етарли эмас экан.

Аҳолининг табиатидан келиб чиқиб, ҳудудда томорқалардан самарали фойдаланиш ва тадбиркорлиқни кенг йўлга қўйиш истагини билдирганларга маслаҳат, йўл-йўриқ, яқиндан кўмак кўрсатиш учун 100 кишидан иборат 10 та ишчи гуруҳ ташкил этилди. Жами 88 гектар ерга помидор, пивз, бодринг, сабзи, картошка каби сабзавотлар экилди. Бундан ташқари, 3 минг 946 та хонадонда чорва, парранда боқишга шароитлар мавжуд бўлиб, уларда 3 минг 917 бош йирик шохли, 6 минг 634 бош қўй ва эчки, 11 мингта яқин парранда боқиладигани аҳолининг турмуш даражаси яхшиланётганидан дарак беради.

Шу билан бирга, сектор ҳудудида истиқомат қилаётган оилаларни "Хар бир оила — тадбиркор" концепцияси асосида тадбиркорликка жалб қилиш мақсадида ишлаб чиқилган режа графикага асосан, шу кунга қадар 86 нафар фуқарога банк кредитлари берилиб, уларнинг тадбиркорлик фаолиятига қўмақлашилди. Аҳоли бандлигини таъминлаш борасида олиб борилган ишлар натижасида 282 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди ва 200 га яқин янги иш ўринлари яратилиш масаласи ҳал этиладиган бўлди.

Сектор ҳудудида жорий йил учун 3 млн. 500 минг долларлик инвестиция жалб этиш белгиланган эди. Утган олти ой мобайнида 1 млн. 500 минг долларга яқин инвестиция ўзлаштирилди. Сектор ҳудудида экспорт режаси 3 млн. 11 минг доллар бўлиб, биринчи август ҳолатига кўра, экспортёрлар ҳисобига 1 млн. 624,6 минг доллар маблағ келиб тушди.

Яширишга ҳожат йўқ, сектор ҳудудининг айрим қўчалари мультфильмдаги "порлоқ йўл совхоз"ни эслатиб юборарди. Кеч кириши билан йўлни кесиб ўтаётган одамлар кўпаяди. Турган гапки, бу айрим



турдаги жиноятларнинг содир бўлишига шарт-шароит яратиши кўпчиликнинг ҳаёлига ҳам келмасди. Қўнчилигимизда эса жиноят содир этилишига қўлай шароит яратиб берганларни ҳам жиноятга шерик, деб ҳисобланишини инобатга олсак, зимистон кўчаларни кўра-била туриб, ўз ҳолига ташлаб қўйиш мумкин эмаслигини теранроқ тушуниб оламиз. Бундан ташқари, айрим кўчаларимизда пидедалар йўлакчасининг йўқлигига ҳам кўз юмиб бўлмайди. Ушбу масала кимларгадир бир қарашда унчалик муҳим эмасдек кўринар. Бироқ, кўчалар четда пидедалар йўлакчасининг йўқлиги туфайли одамлар ноилоҳжикдан автомобиль йўлига чиқиб кетиши оқибатида юз берадиган кўнгилсизликлар ҳақида ортқича тўхталиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Бу икки масала жиноятчиликка қарши курашишга дахлдор экан, демек, унинг ечимини чекиштириб бўлмаслиги ўз-ўзидан аён. Бажа-равямиз, амалга оширяпмиз, деб зимистон кўчаларга бепарво юраверилиши ортидан кимдир беҳосдан жиноятчиға, яна кимдир қурбонга айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Шу боис, ҳудуддаги кўчаларда Ободонлаштириш бошқармаси томонидан 1,2 км. узунликда пидедалар йўлаклари қурилди. Ўрганишлардан келиб чиқиб, умумий 3,2 км. узунликдаги баъзи кўчаларга тунги ёритиш чиқроқлари ўрнатилди. Натижада, тегишли ҳудудлардаги аҳолининг хотиржамлиги таъминланди.

Жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадидаги профилактика тадбирлари натижасида жорий йилнинг ўт-

ган 7 ойи давомида сектор ҳудудида содир этилган жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15 тага, яъни 65 фоиз камайишига эришилди.

Ўтган давр мобайнида сектор ҳудудида одамларни қийнаётган муаммоларни ҳал этиш мақсадида 30 дан ортқ сайёр қабул ўтказилганда, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга ҳам катта эътибор берилди. Аҳоли билан очiq мулоқотларга тумандаги қатор ташкилотлар мутасаддилари, маҳалла вакиллари, жамоатчилик фаоллари имкон қадар кўпроқ жалб этилди.

Учрашувларда ҳудудда профилактик ишларнинг савияси, жиноятчиликни жийовлаш борасида жамоат ташкилотларининг фаоллиги ҳам таҳлил қилинди. Содиқ этилган жиноятларнинг тўб сабаблари ўрганилиб, қизгин муҳокамааларга, савол-жавобларга кенг ўрин берилди. Аҳоли билан ҳар қандай масалада ўтказилган учрашувларда ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликка муро-сасизлик кайфиятини шакллантириш зарурати ҳақида доимий сўз очилиб турди.

Аҳолини ўйлантириб, ташвишга солиб келаятган муаммоларга ечим топиш, ҳар бир оиланинг фаровон турмуш кечиришини таъминлаш мақсадида одамларимизнинг ўзидан ҳам кўп яхши тақлифлар қочаяпти. Қўвонарлики, бунёдкорлик, ободлиқ ишларига одамларда ҳавас ўйғониб, хайрихоҳлик кайфияти кучаймоқда.

Дилшод ИСМОИЛОВ,
Паркент тумани прокурори.

Марказий Осиёдаги ягона винил гулқоғозлар заводига пресс-тур ташкил этилди

ТАДБИР

«Ўзсаноатқурилишбанк» ташаббуси билан пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Pergament Quality Exclusive» корхонасига уюштирилган пресс-турда банк томонидан корхонани барпо этиш, жиҳозлаш ва зарур хомашё билан таъминлашга 9 миллион евро миқдорига маблағ ажратилгани натижасида ийлига 2 миллион 640 минг ўрам гулқоғоз ишлаб чиқарилаётгани айтиб ўтилди.

— Корхонамиз нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёда ягона винил гулқоғозлари, яъни «Suzale» бренди асосида маҳсулот ишлаб чиқарувчи ҳисобланади, — дейди «Pergament Quality Exclusive» МЧЖ таъсисчиси Аваз Гайбуллаев. — Маҳсулотларимиз сифати Европа ишлаб чиқарувчилариники билан бир хил бўлишига қарамай, бозорга чет элликдан икки бараваргача арзон нархда етказиб бермоқдамиз. Хусусан, ўтган йили ички бозорга қарийб 12 миллион ўрам гулқоғози етказиб берилди. Бундан ташқари, биз бу миқдор билан чекланиб қолмаймиз, келгуси йилдан иккинчи линияни ишга тушириб, ишлаб чиқариш ҳажминини 2 бараварга ошириш ниятидамиз. Қолаверса, хомашёнинг 30-40 фоизини маҳаллийлаштириш, турдош қурилиш материалларини ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш устида ишляпмиз. Корхона томонидан жорий йилнинг январь-октябрь ойлари давомида 39 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Қўшни мамлакатларга, шунингдек, Озарбайжон ҳамда Хиндистонга 1,4 миллион АҚШ доллари миқдорига маҳсулот экспорт қилинди.

Пресс-тур давомида оммавий ахборот воситалари ходимлари ишлаб чиқариш жараёни билан ҳам таништирилди.

Ишчилар билан суҳбатлашганда шу нарсга маълум бўлдики, бугунги кунда винил гулқоғозлари хонадон ва офисларни безатишда кенг қўлланилаётган экан. Эътиборли жиҳати, уни ҳамма жойга, гарчи у ДСП, ёғоч, штактурка, гипсокартон ёки бетон девор бўладими деярли ҳар қандай сиртга ёпиштириш ва ювиш мумкин. Бундан ташқари, винил гулқоғозлари пишиқ материал ва флэ-зипнинг эгилувчан хусусияти туфайли улар деворларнинг нотекислиги ва нуқсонларини оsonлик билан беки-тади. Етарлича юқори даражали ёруғликка бардош бера олиши билан бирга 10 йилдан ортқ вақт мобайнида деворга ўзгача кўрк бағишлаб туради.

Маълумот ўрнида яна шуни айтиш мумкинки, жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, «Ўзсаноатқурилиш-банк» кичик бизнес субъектлари лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга 5 триллион 306 миллиард сўмлик маблағ йўналтирилган.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Толейимга шукроналар айтаман»

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Инсон ўз меҳнати самарасидан роҳат топса, шукр қилиб яшаса, умри фароғатда ўтади. Ҳар тонг ўрнидан хотиржам туриб, оиласи даврасида дастурхони тўкислиги, юрт осойишталигиндан баҳра олиб яшаса, аслида тушунган одамга шунинг ўзи катта нёъмат, бахт.


У буни қалбидан ҳис этади. Бугун бунёд этилаётган кўркем, осмонўпар бинолар қурилишида бевосита иштирок этаётганидан, юрт ривожига баҳоли қудрат ҳисса қўшаётганидан завқланади.

Мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятида, ҳар ҳиссада бунёдкорликлар бўйбаста билан намоён бўлмоқдаки, бунда қурувчиларимизнинг ҳиссаси катта. Улар қаерда ишлаганин, эл-юртга, инсонларга наф келтирмоғи, ватан қорига яраб, фарзандлик бурчини бажармоғи, энг муҳими, ана шу жўшқин ҳаёт ичиде яшамогидан ўзгача лаззат туяди.

Ақбай Нахипов ҳам шундай замондошларимиздан бири. У киши кўпларга ўрнат қўйган мазмунли умр кечирмоқда. Машаққатли меҳнатидан оқимор, бедор қўнларни тунларидан баҳра олиб, қилган хизматига яраша самарага ҳам эришмоқда. Бири-биридан серғайрат, қобилу қомил фарзандларни тарбиялаб

елга қўшди. Бугун улар ҳам меҳрибон ва софдил отасига қанот бўлиб, ёнида хизмат қиляпти.

Эндилкида номи тилга туша бошлаган «Қорақалпоқ қурилиш монтаж» бошқармаси корхонаси раҳбари Ақбай ака Тахтақўпир туманида туғилиб, вояга етган. 1981–1986 йилларда Тошкент Политехника институтининг саноат қурилиш факультетини таомиллаб, дастлабки иш фаолиятини Қорақалпоғистондаги 386-қурилиш корхонасида бошлаган. Устозлар ўғити, талабалик йилларида қурилиш соҳасида олган пухта илми уни оддий ишчиликдан корхона раҳбари даражасигача етказди. У узоқ йиллардан буён Қўрақалпоғистоннинг Чимйиқ, Кегайли, Қўнғирот, Мўйиқ, Тачиатой, Хўжайли ва Нўкус каби туманларида давлат дастури асосида барпо этилаётган барча қурилиш объектларини сифатли, замон талаби даражасида бежирим қў-



ренишда қуриб фойдаланишга топшириш ишларига бош-қош бўлди. Ақбай ака ўз касбига масъулият билан ёндашади. Фарзандларини ҳам ёшлигидан қурилиш объектларига олиб келар, бунёдкорликнинг сир-синоатларини ўргатар эди. Шу боис икки ўғли ҳам қурилиш соҳасини танладилар. Ҳозир кичик невараси Тўмарисоним ҳам бобосидек қурувчи бўлишни орзу қилади.

— Ҳар ишда сифат масаласи доимо долзарб, биринчи ўринда туради, — дейди қаҳрамонимиз. — Одамлар қилган ишингга қараб баҳо беради. Авваллари қурилиш ташкилотлари кам эди. Мустақилликдан сўнг бозор иқтисодиётига ўтилди. Бизнинг соҳада ҳам унинг механизмлари жорий этилди. Бундай шароитда пудрат ташкилоти танланаётганда тендир асосида унинг 3 йиллик фаолиятидаги қурилиш объектларидаги тажрибаси ўрганилади. Техник салоҳияти, молиявий имкониятлари таҳлил қилиб чиқилади. Ҳозирги даврда пудрат ташкилотлари фаолиятида салмоқли ўзгаришлар бўлаётир. Бу тендир талабларига қатъий риоя қилинаётганида, шартнома мажбуриятларини уddалай олмаётган пудрат ташкилотлари ўз ўрнини янги субъектларга бўшатиб бераётганида намоён бўлаётир. Қурувчилар олдида ҳамиша жуда катта масъулият туради. Сабаби, улар бунёд этган уйларда унинг замондошлари яшайди. Барча қўлайликлар улар учун, уларнинг яхши яшашини учун муҳайё этилаётган бир пайтда сенинг қўлинг, қалб қўринг билан тикланган бинолар ҳам уларнинг дидига мос бўлиши керак. Қурувчи учун обрў-эътибор ана шундай биноларни барпо этишдан келаяди.

Ақбай Нахипов раҳбарлик қилаётган корхонада 50 нафар доимий, 250 та шартнома асосида турли мутахассисликка эга ишчилар бор. Аҳил жамоанинг мақсади ана шундай замонавий уй-жойлар қуриб, юртимизни обод этиш, турмушимиз фаровонлигига ҳисса қўиш, элнинг дуосини олиш.

Бунёдкорлик лойиҳаларини амалга оширишда давлатимиз раҳбария-

ти ҳамда Қорақалпоғистон Жуқорғи Кенгеси раиси, оқсоқолимиз Муса Эр-ниёзов бошчилигида давлат дастури асосидаги қурилишлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланётгани, моддий-техник базамизни мустаҳкамлашга яқиндан кўмак берилаётгани биз, қурувчиларни қувонтиради. Шу боис кучимизга-куч, ғайратимизга ғайрат қўшилади. Қурилиш соҳасида рақобатга бардош бериш осон иш эмас. Биз янада осмонўпар бинолар қуриб, халқимизни хурсанд қилиб, ўзимиз ҳам хурсанд бўлишдан мамнунмиз.

Юртбошимиз бошчилигида бугунги кунда республикамизнинг ҳар бир гўшасида кўркем бино ва иншоотлар, саноат корхоналари, кўп қаватли иморатлар бунёд этилмоқда. Замон қурувчилардан катта билим ва тажриба талаб қилади.

Ҳаммамиз гувоҳи бўляпмиз, қисқа муддатда мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларида замонавий кўпқаватли бинолар қад ростламоқда. Боболаримизнинг бутун ҳаёти давомида қурилган бинолари, уй-жойлари узоқ йиллар халқимизга хизмат қилиб келаяпти. Уларда билим, ўзларига ишонч ва қатъият бўлмаса, шундай иморатларни қура олишармиди? Уларнинг ишончлари биноларидек юксак ва мустаҳкам бўлган.




Ақбай ака суҳбат чоғида ҳаёт сабогини устози, отаси Ариббай Нахиповдан олганини фахр билан айтиб ўтди. Бугун у ўзи ўрганган сабоқларни шоғирдларга, фарзандларига ҳам ўргатмоқда.

— Фарҳод Қаландаров, Марат Қўрбоннов, Алимбай Эсемирадов, Мураджан Арипбаев, Роҳат Аннепесовлар ажойиб шоғирдларимдан, — дейди қаҳрамонимиз. Уларнинг сафи кўп.

Ақбай ака билан Ойжамол опа қарийб ўттиз йилдан буён тинч-тотув, бахтли ҳаёт кечиришмоқда. Фарзандлари, неваралари ардоғида. Бундай ажойиб тақдирли инсонлар доимо соғ ва омон бўлсин, деймиз.

Ойгул РАЗЗОҚОВА

РЕКЛАМА ЎРНИДА





Жаҳон кубогидан Олимпия ўйинларига

Пойтахтимиздаги Гимнастика бўйича ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 16-17 ноябрь кунлари ўсмир қизлар ўртасида қиличбозликнинг сабля тури бўйича Жаҳон Кубоги бўлиб ўтди. Унда 10 мамлакатдан келган 100 нафардан ортиқ қиличбоз куч синашди. Ўзбекистондан 13 нафар қиличбоз қиз жангларда иштирок этди.

16 ноябрь кунлари яқкалик баҳсларида ҳамюртимиз Зайнаб Дайбекова олтин медаль соҳибаси бўлди. У финалда туркиялик Нисонур Эрбил билан куч синашиб, 15:12 ҳисобида галаба қозонди.

17 ноябрь кунлари жамоавий баҳсларда терма жамоамиз (Зайнаб Дайбекова, Севинч Исмоилова, Шахноза Тоғаймуродова ва Ойсулува Уснаддинова) бронза медалига сазовор бўлди. Финалда Россия ва

Туркия вакиллари куч синашди ва туркияликларнинг қўли баланд келди.

Кунни кеча эса қизларимиз Франция пойтахти Парижда катталар ўртасида қиличбозлик бўйича ўтказилган Жаҳон Кубогида иштирок этиш учун жўнаб кетди. Терма жамоамизнинг қиличбоз йигитлари 21 ноябрь кунлари Эроннинг Техрон шаҳрига йўл олишади. У ерда ўсмир йигитлар ўртасида қиличбозликнинг сабля тури бўйича Жаҳон Кубоги бўлиб ўтади.

Жаҳон Кубогида ҳар бир қозонилган галаба турнир иштирокчиларига қўшимча рейтинг балларни тақдим этади ва уларни 2020 йил Япония пойтахти Токиода бўлиб ўтадиган Ўзг Олимпия ўйинлари йўлнамасига яқинлаштиради.

Оламгир АБДИЕВ,
Ўз ЖОКУ талабаси.

Маънавиятимиз асоси

Она тили обрўсини оширишга қаратилган тарғибот ишларининг режалари йўлга қўйилиши унинг қадр-қимматини юксалтиришга хизмат қилмоқда

Ўтган йиллар давомида она тилимиз мустақам ҳуқуқий асос ва юксак мақомга эга бўлди. Ҳозирги кунда ўзбек тили ҳаётимизнинг барча жабҳаларида — давлат ва жамият бошқаруви, давлатлараро муносабатлар, илм-фан, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият ва санъат соҳаларида фаол қўлланилмоқда, халқаро минбарлардан баралла янграмоқда.

Онам Норматова Зайнаб ўтган асрнинг ўттинчи йилларида пойтахт вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги Сижоқ қишлоғида мактаб ташкил этиб, оммага маърифат улашган. Ўзим ҳам узоқ йиллар ўқувчиларимга тарих, фалсафа фанларидан сабоқ берганман.

Она тилимиз бизнинг борлигимиз, бирлигимиз тимсоли эканлигини қалбдан ҳис этаман. Тилимиз борки, миллатимиз, тарихимиз, қадриятимиз бор. Тилимиз борки, келажагимиз ҳам мунаввар. Ушбу мақолани қоралаялману, бир воқеа ҳеч кўз ўнгимдан кетмапти. 1983-1984 ўқув йилида мени Хўжақентдаги Алишер Навоий номли мактабга маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига ишга юбордилар. Ўзбек тилидан дарс ўтаман, қўшимча сифатида менга рус синфларга ҳам ўзбек тилидан дарс ўтиш топширилди. Чораклик баҳо чиқардим. Ушанда 7-синф раҳбари директор ёнига кириб, менинг устимдан шикоят қилибди. Гўёки, мен унинг аълочи ўқувчисига тўрт баҳо қўйибман. Директор ҳузурига чақириб, шу баҳонани беш қилиб тўғирлаб беришимни илтимос қилди. Албатта, бунинг ҳеч иложи йўқ, дедим. Унинг айтишича, гўёки ўзбек тилини ўрганиш улар учун мажбурий эмас эмиш. Мен ўша ўқувчига босиқлик билан тушунтириб, майли, ўқувчингиз аъло баҳо олиш учун биров ҳаракат қилсин, дедим. У тушунганини истамади. Тўрт баҳонани беш баҳога ўзгартириб беришимни талаб қилиб туравверди. Директор эса унинг та-

лабини маъқуллади, ўзининг гурурини ерга уриб, синф раҳбарининг ёнини олиб кетди. Мен эса ўша баҳо қолади, ўзгартирмайман, ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ ўзгартаришга десам, рус тили ўқитувчиси ўзбек тили дарси асосий тил эмас-ку, деб менга танбеҳ берди. Шунда у аёлга қараб, сен бу гапни қаердан олдинг, ҳеч қачон Ўзбекистонда бошқа асосий тил бўла олмайдими, деб хонадан чиқиб кетдим. Аввало, Аллоҳнинг амри, қолаверса, давлатимиз раҳнаомларининг шахди билан 1989 йил 21 октябрда давлат тили тўғрисида қарор эълон қилинди. Ушанда мактаб директори билан синф раҳбарининг олдида қарор чиққан газетани қўйдим...

Демоқчиманки, давлат тилини изчил тарғиб қилмай туриб, унинг муваффақиятини қозониш қийин кечадими. Кўп ҳолларда айбни ўзимиздан излашимиз керак. Масалан, дейлик, транспортдаги ёки уй ташвишлари билан қўчага чиқганимизда, ҳайдовчига «Кейинги лаваротта, ёки мана шу астановкада, мана шу перекрестокдан ўтгандан кейин тўхтатиб юборинг», деб илтимос қиламиз. Шу сўзлар ўрнига нима учун ўзбекча сўзларни ишлатмаймиз. Мен фақат Тошкент ер ости йўлида кетаётганимизда «Эҳтиёт бўлинг, эшиклар ёпилади, кейинги бекат Амир Темури хибони», деган тўғри ва раво сўзларнинг гувоҳи бўламан.

Яхши биламизки, улуг бобомиз Амир Темури даврида ва ундан кейин ҳам фикрни ифодалаш, лутф ва ҳусниҳатга жуда катта аҳамият қаратилган.

Ҳамонки, она тилимиз маънавий юксалишимизнинг асоси экан, уни қўллаш, тарғиб этиш ва келгуси авлодларга бекам-қўст етказишдаги фаолиятимизда ўзимиз ҳам собит бўлайлик.

Анонбек МУСАЕВ,
фахрий ўқитувчи.

ЭЪЛОН

Тошкент давлат шарқшунослик институти 2019-2020 ўқув йили учун қуйидаги вакант лавозимларга танлов (конкурс) эълон қилади:

1. "Эрон-афгон филологияси" кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин, профессор — 1 ўрин, кафедра мудири — 1 ўрин;
2. "Туркий тиллар" кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин, кафедра мудири — 1 ўрин;
3. "Япон филологияси" кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин, ўқитувчи-стажёр — 1 ўрин;
4. "Хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти" кафедраси: доцент — 1 ўрин;
5. "Хитой тили ва адабиёти" кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин, ўқитувчи — 1 ўрин;
6. "Педагогика ва психология" кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин;
7. "Марказий Осиё халқлари тарихи ва манбаъшунослиги" кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин, профессор — 1 ўрин;
8. "Гарбий Европа тиллари" кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин, ўқитувчи — 1 ўрин;
9. "Жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатлар" кафедраси: профессор — 1 ўрин;
10. "Иқтисодий назарияси" кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин;
11. "Математика ва ахборот технологиялари" кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин;
12. "Ўзбек ва рус тиллари" кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин, ўқитувчи-стажёр — 1 ўрин;

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан эътиборан бир ой ичида топширилиши лозим.

ҲУЖЖАТЛАР:

1. Ректор номига ариза;
2. Шахсий варақа (рангли фотосурат билан);
3. Диплом (аттестат) нусхалари: олий маълумот, илмий даражаси ва илмий унвони ҳақида диплом, малака ошириш сертификатлари;
4. Белгиланган талабларга кўра эгаллаш лавозими асосида тегишли мутахассислик бўйича маъруза ўқишда чет тили (инглиз, немис, француз тили) ва информацион технологиялардан фойдаланиш кўникмаси (сертификат ва малака ошириш курслари асосида);
5. Тасдиқланган илмий ва илмий услубий ишлар рўйхати.

Манзил: 100060, Тошкент ш., Шахрисабз кўчаси, 25 уй. Тел: 71-233-44-36.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:



- ▶ Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м3.
- ▶ Водовозы — 4, 8, 12 м3.
- ▶ Вахтовские автобусы 4х4 — 22 мест, 6х6 — 26 мест.
- ▶ Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м3.

- ▶ Кислотовозы — 6, 8, 10 м3.
- ▶ Автогудронаторы — 6, 8 м3.
- ▶ Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05. E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV

Ulug'bek VAFOYEV

Mahmud TOIR

Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA

Muslihidin MUHIDDINOV

Shuhrat JALILOV

Hayotxon ORTIQBOYEVA

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Qabulxona — (71) 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — (71) 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — (71) 233-47-80, (71) 233-38-55

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida

0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba kuni chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

G — 1151. 13318 nuxxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 23:00.

Topshirilgan vaqti — 01:40.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchi:
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7433



Газетанинг электрон саноқчасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5 6